



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "30" 04

№ 97

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил
26 апрелдаги 87-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг топшириғига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тизими раҳбар ходимларининг касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш ҳамда уларнинг аттестациядан ўтказиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссиясининг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Агентлик тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхатига Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосари киритилсин.

3. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 26 апрелдаги 87-сонли буйруғининг 2-илоvasи бекор қилинсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

А. Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил “30” майдаги
“97”-сон буйруғига
илова

Аттестация комиссиясининг шахсий таркиби

1. А.Ш.Иноятов — вазирнинг биринчи ўринбосари,
Комиссия раиси
2. У.Ю.Сабилов — вазир ўринбосари, *Комиссия раиси ўринбосари*
3. Б.Г.Хажиханов — Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат
хизмати бошлиғи
4. Ш.Умарова — Тошкент фармацевтика институти
фармацевтика ишини ташкил этиш кафедраси
мудири
5. Х.К.Таджиев — Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи
6. Р.И.Махаммадиев — Юридик бошқарма бошлиғи
7. В.Хайдаров — Тошкент фармацевтика институти дори
воситаларининг саноат технологияси
кафедраси мудири
8. Б.Б.Холмурадов — Инвестиция ва грант лойиҳаларини
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
9. Ў.С.Исмаилов — Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи
10. Б.Т.Эргашев — Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи
11. М.Р.Саламов — Кадрлар бошқармаси бошлиғи , *Комиссия
котиби*